

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 26 июль • сешанба № 29 (1025)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Элчи эътирофи

Шри Винод Кумар,
Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги
Фавкулотда ва мухтор элчиси:
— ҲИНДИСТОН ҳукумати ва халқи но-
мидан Ўзбекистон халқини давлат мус-
тақиллигининг йигирма беш йиллик
қўлғи санаси билан муборакбод этамиз
ва янада ривожланиш ҳамда тараққиёт
йўлида янгидан-янги муваффақиятлар
тилаймиз. Жорий йил Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти Ислам Каримов
жаноби олийлари томонидан "Соғлом
она ва бола йили", деб эълон қилинди.
Шу муносабат билан ҳам ўзбекистонлик
барча оналар ва болаларга ўзимнинг энг
эзгу тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида
ҳар томонлама ривожланиб, халқаро ҳам-
жамият томонидан эътироф этилгани-
дек, барча соҳаларда олиб борилган ис-
лохотлар натижасида юксак ютуқларга
эришди. Айниқса, иқтимоий соҳада бе-
қиёс муваффақиятларни қўлга киритди.
Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ҳамда
юртта садоқати туфайли Ўзбекистонда
иқтисодий барқарорлик ва юксак тарақ-
қиёт кузатилмоқда. Иқтисодиётнинг тур-
ли тармоқларини ривожлантиришга ва
эркин иқтисодий ҳудудларнинг барпо
этилишига йўналтирилган чора-тадбир-
лар мамлакат иқтисодий барқарорлиги-
ни таъминламоқда. Ҳукумат томонидан
турли форумлар ҳамда савдо кўргазма-
ларини ташкил этиш бўйича илгари су-
рилган янги ғоялар ҳам ўзининг ижо-
бий самарасини бермоқда.

Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистон ўртаси-
даги дўстона муносабатлар узок йиллик
тарихга эга ҳамда бу алоқалар охири
йилларда янада мустаҳкамланди. 2011
йил Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти Ислам Каримов жаноби олийлари-
нинг Ҳиндистонга ташрифи доирасида
муносабатларимиз стратегик ҳамкорлик
даражасига кўтарилди. 2015 ҳамда 2016



йилларда Ҳиндистон бош вазири жаноб
Нарендра Модининг Ўзбекистонга таш-
рифи муносабатларимизга янгича шўқуқ
бағишлади. Мазкур ташрифлар давоми-
да икки томонлама ҳамкорлики янада
кенгайтириш борасидаги долзарб ва-
зифалар муҳофама қилинди. Бош ва-
зир жаноб Нарендра Моди яқинда бўлиб
ўтган ташрифи чоғида икки томонлама
савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни яна-
да кучайтириш мақсадида Ўзбекистон-
да Ҳиндистон савдо ярмаркаси ўткази-
лиши режалаштирилганлигини маълум
қилди. Шу билан бирга Ўзбекистон мус-
тақиллигининг йигирма беш йиллик бай-
рами ҳамда давлатларимиз ўртасида
дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги
муносабати билан Ҳиндистон фести-
вали ўтказилиши белгиланди.

Сўзимнинг охирида Ҳиндистон халқи-
нинг юрагига яқин бўлган ўзбекистонлик-
ларни қўлғи байрами билан яна бир бор
табриклаб, Ўзбекистон заминига тинчлик-
омонлик ва хотиржамлик тилайман.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.

Парламент ҳаёти

Қонун муҳокамаси

**ҚОНУНЧИЛИК Палатаси томонидан янги таҳрирдаги "Хай-
вонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш
тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.**

Янги таҳрирдаги Қонунда биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида
ёввойи ҳайвонларнинг генофондини комплекс муҳофаза қилиш борасида ҳуқуқни
қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга ва қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ-
ларни тўлдиришга қаратилган янги нормалар мустаҳкамланган.

Қабул қилинган мазкур Қонун сенаторлар муҳокамасига юборилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Жазони ижро этиш
муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг
маъмурий назорати тўғрисида"ги Қонуннинг ижро ҳолати муҳофама қилинди.

Тадбирга тайёргарлик жараёнида қонунчилик таҳлил қилиниб, мутахассислар бил-
лан муҳокамалар ўтказилди. Шунингдек, Навоий вилояти мисолида ҳуқуқни қўллаш
амалиётини ўрганиш натижалари таҳлили ўтказилиб, унинг доирасида суд, ҳуқуқни
муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, шунингдек, жазони ижро этиш муасса-
саларидан бўшатишган ва маъмурий назоратда турган шахслар билан учрашувлар
ўтказилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида Олий суд томонидан қонунчилик
ташаббуси ҳуқуқни асосида киритилган Жиноят кодексининг 46-моддасига ўзгартиш
киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Унга
мувофиқ шахсга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш институти бирмунча
ўзгартирилмоқда. Яъни, амалдаги тартибга асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси
пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ҳар-
бий хизматчиларга, шунингдек, ёш боласини боқиб учун таътилда бўлган аёлларга
нисбатан қўлланилмайди.

Жиноят кодексига киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартишга мувофиқ кодек-
сининг 46-моддаси, иккинчи қисмидаги: "ёш боласини боқиб учун таътилда бўлган
аёлларга", деган сўзлар "уч ёшгача болалари бўлган аёлларга", деган сўзлар билан
алмаштирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олтидан

Озод юрт мулкдорлари

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари Анвар УСМОНОВ
билан мулкдорларнинг ривожланиш босқичлари, кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида суҳбатлашди.



Қонун доирасида

Имтиёзли кредит ажратилди

ФАРҒОНА вилоят адлия бошқармасига Фарғона
шаҳридаги "Eko Tsem Komplekt Oborudovanie" масъу-
лият чекланган жамияти раҳбари Муроджон Суворон-
нинг "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Фарғона
шаҳар филиалига газ тармоғига уланish юзасидан
қилган мурожаати ҳал этилмаганидан норози бўлиб
ёзган шикоят аризаси келиб тушди.

М.Сувороннинг мурожаати адлия бошқармаси масъул
ходимлари томонидан батафсил ўрганилди. Аниқлани-
шича, тадбиркорнинг талаби филиал томонидан асос-
сиз равишда рад қилинган. Шунингдек, унинг аризаси-
га нисбатан ёзма ёки электрон шаклдаги жавоб хати
юборилмаган. Бинобарин, "Водийгазтаъминот" УК Фар-
ғона шаҳар филиали бош муҳандиси Абдор Умрақовга
нисбатан маъмурий бевасило раъсвийлаштирилиб, жи-
ноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил
28 январдаги қарорига биноан энг кам ойлик иш
ҳақининг беш баравари миқдориди жарима жазоси та-
йинланиши таъминланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида вило-
ят адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектларидан
65 та мурожаат келиб тушган. Шундан 19 таси қаноат-
лантирилган, 31 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш бе-
рилган ва 1 таси рад этилган. Шунингдек, мурожаатлар-
га асосан судларга 12 та 451 миллион 769 минг сўмлик
даъво аризаси киритилди.

Адлия органларида ташкил этилган "Ишонч телефо-
ни" ҳам тадбиркорларнинг ишончи таянчига айланган.
Масалан, Қўштепа тумани, "Файз" ҚФЙ, "Минавар" кўча-
сида яшовчи фуқаро Расулжон Нўмонжонов Адлия ва-
зирлигининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилгач, унинг
бузилган ҳуқуқи тикланди. У тадбиркорлик фаолиятини
йўлга қўйиш, яъни чорвачиликни ривожлантириш мақ-
садида ТИФ "Миллий банк"нинг Марғилон филиалига
10.000.000 сўм миқдориди кредит сўраб мурожаат қил-
ган. Мазкур ариза кредит бўлими бош мутахассиси Дил-
шод Раимбердиев томонидан қабул қилиб олинган. Аммо
кредит ажратишни суъий равишда кечиктириш мақса-
дида мурожаатни тегишли тартибда расмийлаштирма-
ган. Шу боис банк филиалига қонунбузилиш ҳолатини
бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Оқибат-
да, Д.Раимбердиев "хайфсан" интизомий жазосига тор-
тилди ва Р.Нўмонжоновга имтиёзли кредит ажратилди.

Зоиржон ЭРҒАШЕВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи биринчи ўринбосари

Адлия вазирлигида

Ярим йиллик фаолият таҳлили



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазири
М.Икрамов раислигида адлия органлари ва муассаса-
лари томонидан 2016 йилнинг 1-ярим йиллигида
амалга оширилган ишлар ва калгусида тизим олди-
даги устувор вазифаларга баъишланган кенгайтирил-
ган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳисобот даврида қонун
ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш йўналишида бир қатор
эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида 38 та норматив-ҳуқуқий
ҳужжат, шу жумладан, 12 та қонун лойиҳаси ишлаб
чиқилиб, ҳуқуқматга киритилди. 1.568 та қонун ҳужжа-
ти лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. 166 та
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатига
олинди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф
этиш бўйича вазирлик ва идораларга 3.788 та тақ-
димнома киритилиб, уларнинг 828 та ноконуний қарори
бекор қилинди, 753 нафар шахснинг маъмурий, 10
нафар шахснинг эса жиноий жавобгарликка тортили-
ши таъминланди. 2.943 нафар шахс интизомий жа-
вобгарликка тортилиб, 149 нафари эғаллаб турган ла-
возимидан озод этилди.

Судларга киритилган 41 миллиард сўмдан ортиқ
даъво аризалари қаноатлантирилди. 1.228 та фаоли-
ят кўрсатмаётган тадбиркорларнинг фаолияти тикла-
ниб, уларда 3.128 та иш ўрни яратилди.

Нотариал ҳаракатлар бўйича 182 миллиард 106
миллион сўм давлат божи ва 6 миллиард 836 мил-
лион сўм герб йиғими, ФХДЭ органлари томонидан
расмийлаштирилган ҳаракатлар бўйича эса 7 милли-
ард 274 миллион сўм давлат божи ва 10 миллиард
204 миллион сўм герб йиғими ундирилди.

Шунингдек, мажлисда фаолиятини янада такомил-
лаштириш мақсадида аниқ мақсадли чора-тадбирлар
амалга оширилаётгани ҳолда баъзи йўналишларда хато
ва камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжудлиги
кескин танқид қилинди.

Хусусан, ижро интизими, мурожаатларни кўриб чиқиш-
даги камчиликлар аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди. Улар
юзасидан масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш,
келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги ало-
ҳида таъкидланди. Бунда ҳар бир тармоқ раҳбарлари
ва масъул ходимларнинг фаолигини ошириш, масъу-
лиятини кучайтириш зарурлигига урғу берилди.

Муҳокама этилган барча масалалар бўйича йиғи-
лишнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

"INSON va QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!

Обуна нарҳи — 137,
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
website: minjust.uz
Tel/fax: 266-19-07

"HUGUQ va BURCH"
иқтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!

Обуна нарҳи — 902,
e-mail: info@huguburch.uz
website: huguburch.uz
Tel/fax: 266-27-36

"Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўғрисида"
ҳақлиқ расмий нашрига обуна бўлинг!

Обуна нарҳи — 940,
e-mail: info@adolatnashr.uz
website: adolatnashr.uz
Tel/fax: 266-26-45

"Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўғрисида"
расмий нашрига обуна бўлинг!

Обуна нарҳи — 916,
e-mail: info@adolatnashr.uz
website: adolatnashr.uz
Tel/fax: 266-26-45

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали

Сиз фаолиятда оид батафсил
маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

Озод юрт мулкдорлари

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан мулкдорларнинг ривожланиш босқичлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримов мустақиллигимизнинг илк кунларидан мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларида ҳуқуқий тенгликни қарор топтиришни иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Натижада мамлакатимизда мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Собiq тузумдан қолган маъмурий буйруқбозлик, боқимондорлик барҳам топди. Одамларда янгича дунёқараш, мулкка янгича муносабат шаклланди.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик шаклланиши учун шароит яратилди, — дейди А.Усмонов. — Ўша пайтларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан бўшаб қолган пештахталар, ҳувилаб қолган дўконларга қайта “жон” бағишлаганини халқимиз яхши эслайди. Бу тузилмалар озик-овқат, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, халқимизни зарур маҳсулотлар билан таъминлаган.

Ота-боболаримиз азалдан касбу ҳунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритишга одатланган. Аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзгор тебатиб, эл-юртига хизмат қилган.

1991 йилда “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган тарихий аҳамиятга эга бўлди. Айнан шу қонун билан биринчи марта тадбиркорлик тушунчаси, кимлар тадбиркорлик билан шуғулланиши, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Кейинчалик ушбу қонун негизда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун сифатида хизмат қилмоқда.

1991 йилдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун хусусийлаштириш жараёнига янада кенг йўл очди. Аҳолига мулк қилиб беришдан корхоналар, бино ва иншоотлар, савдо мажмуаларида турли тадбиркорлик субъектлари фаолият юрита бошлади. Қишлоқларда ерни ҳақиқий эгасига беришга қаратилган сиёсат туфайли фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тадбиркорлик билан шуғулланиш эркинлигини кафолатловчи ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлади. Бош қомусимизнинг 53-моддасида давлат фуқароларнинг тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаш, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги қатъий белгиланган бўлиб қўйилди.

Ушбу конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда, яъни фуқароларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиши таъминлаш мақсадига ўтган даврда 1 минг 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда тадбиркор-



лик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибда қўлланилиши белгиланди. Барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинди. Бу амалда ана шу идораларнинг тадбиркор мафратини таъминлаш йўлида хизмат қилишига кенг йўл очди.

Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқаридаги масалалар бўйича текшириш ўтказганлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун эътибор зарарининг ўрнини қоплаши, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлиб қўйилди. Бу тартиблар ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топиши боис ноқонуний текширишлар сони кескин қисқарди.

Мамлакатимизда текширишлар билан боғлиқ муносабатлар МДҲ давлатлари ичда биринчилардан бўлиб қонун даражасида тартибга солинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни 1998 йилда қабул қилинган. Бу соҳани тартибга солувчи қонун Россияда 2008 йилда, Қозғистонда 2011 йилда, Украина ва Молдовада 2012 йилда қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида тадбиркорлик фаолияти ҳимояси, хусусий мулк муҳофазасига оид янги қонунлар қабул қилингани соҳа

ривожига янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги фикримиз исботидир.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилгани туфайли жaxon молиявий инқирози шароитида ҳам мамлакатимизда дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суруятлари таъминланаётган. Амнироқ айтганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши сўнгги ўн бир йил давомида саккиз фоиздан зиёдни ташкил этиб келмоқда.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш ақуларига ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторида жой олди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони кўпайгани, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошиб бораётганига қайси омиллар сабаб бўлмоқда?

— Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилгани, бу йўлда учраши мумкин бўлган ҳар қандай тўсиқнинг бартараф этилаётгани ҳамюртларимизнинг тадбиркорликка қўл уришига кенг йўл очмоқда.

Бундан ўн йил аввал кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун ўнга яқин идорага мурожаат қилиш ва қирққа яқин ҳужжати

тақдим этиш талаб қилинар эди. Тадбиркор ҳали иш бошламасдан туриб ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб қанча вақт йўқотишга, сарф-харажатлар қилишга мажбур бўларди. Қолаверса, мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлар нафақат рўйхатдан ўтиш, балки фаолият юритишда ҳам анча муаммоларга дуч келгани сир эмас. Ўшанда айрим мансабдорлар бозор муносабатларининг тўб моҳиятини тушуниб қолмагани билан тадбиркорларга турли бюрократик тўсиқларни вуқудга келтирган. Текшириш ниқоби остида тадбиркорлар фаолиятига турли қўрғинида ноқонуний аралашувлар тез-тез учраб турган.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 1996 йилда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ташкил этилди. Тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширишларнинг барчасини ушбу Кенгаш билан келишилган ҳолда ўтказилиши бўйича янги тартиб жорий этилди. Ўтган даврда бу тизим ўз самарасини бериб, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларининг олди олинмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини тақдим этиш талаб қилинар эди. Тадбиркор ҳали иш бошламасдан туриб ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб қанча вақт йўқотишга, сарф-харажатлар қилишга мажбур бўларди. Қолаверса, мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлар нафақат рўйхатдан ўтиш, балки фаолият юритишда ҳам анча муаммоларга дуч келгани сир эмас. Ўшанда айрим мансабдорлар бозор муносабатларининг тўб моҳиятини тушуниб қолмагани билан тадбиркорларга турли бюрократик тўсиқларни вуқудга келтирган. Текшириш ниқоби остида тадбиркорлар фаолиятига турли қўрғинида ноқонуний аралашувлар тез-тез учраб турган.

ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда бошқа давлатлар амалиётида учрамайдиган тизим жорий этилди. 2000 йилда Адлия вазирлиги таркибидан ушбу вазифа билан бевосита шуғулланувчи алоҳида тизим шакллантирилди. Ҳозир вазирлик тизимини Тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудларда унинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Адлия органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли

филиали томонидан уларнинг ҳисобварақларидаги пул маблағлари асоссиз равишда бошқа жойга ўтказиб юборилганидан шикоят қилди. Адлия органи томонидан тўпланган ҳужжатлар Чортоқ туман прокуратурасига юборилди ва пул маблағларини қайтариш бўйича банк вилот филиалига тақдимнома киритилди. Натижада фермер ҳўжаликлари маблағи қайтарилди. Бу ҳолатга йўл қўйган банк филиали бошқарувчиси Д.Ҳамидов, бош ҳисобчиси М.Содиқовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят иши

қўзғатилди. Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилган “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”нинг электрон шакли яратилгани унга киритилаётган қайдларни он-лайн тарзда кузатиш имконини беришмоқда. Бу ноқонуний текширишлар бутунлай барҳам берилишига шартин яратаятир. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилгани катта қулайлик яратди. Жорий йил 1 январдан иш бошлаган марказларда тадбиркорлик субъектларига 16 турдаги давлат хизмати кўрсатилаётган. Эндиликда тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиш, инженерлик коммуникация тармоқларига уланиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, ташқи рекламани жойлаштириш, тураржойни нотураржойга айлантириш каби масалалари бир жойда ҳал

бўлади. Ўтган даврда “Ягона дарча” марказлари орқали тадбиркорларга 48 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди.

Бундай кенг имкониятлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилда 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноят маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат оиласини боқаятгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани мустақиллик берган имкониятларнинг натижасидир.

— Мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган шарт-шароит ва ҳуқуқий кафолатлар қандай самаралар бермоқда?

— Маълумки, инвесторлар ўз сармоясини фойда олиш эҳтимоли юқори бўлган давлатлар иқтисодиётига қиради. Бу жиҳатдан Ўзбекистон бугун жаҳондаги энг юқори ва қулай инвестиция муҳити яратилган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бунда Президентимиз Ислам Каримов томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ва уни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги бой минерал-ҳомашё ресурслари, малакали ишчи қучи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар хорижий инвестициялар оқимининг янада қўлайлигига йўл очаяпти.

Ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштирилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши изчил рағбатлантирилмоқда. Товарлар импорт-экспорти билан шуғулланувчи чет эл инвесторларига ўз даромадларидан эркин фойдаланишлари бўйича қонунчиликда имтиёзлар қайдларни жорий этилди. Натижада иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида хорижий сармоялар иштирокида 4,5 мингдан ортиқ корхона самарали фаолият юратаяпти.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим кафолати, юртимиз тараққиётининг асос қуларидан биридир, десак, янглишмаймиз. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалган, обод ва кўркем қиёфа касб этаётганида, халқимизнинг фаровон турмушида ўзининг ақол ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деган сўзлари тўлиқ ўз ифодасини топмоқда.

**ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАЙМОВА
суҳбатлашди.**

✓ Қулайлик

**Сайёр малака ошириш курслари
ташкил этилди**

МАЪЛУМКИ, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги “Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қароридан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ҳамда таъшилотларининг юридик хизмат ходимлари ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтказилиши ва малакасини ошириш белгиланган.

Шу боис Фаргона вилот ҳокимлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва давлат бошқаруви идоралари томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олган ҳолда вилот адлия бошқармаси Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида синов тарихида сайёр ўқув курслари ташкил этилди. Бунинг учун эса вилот адлия бошқармаси томонидан барча шарт-шароитлар яратилиб, ўқув машғулотлари хоналари зарур моддий-техника воситалари билан жиҳозланди.

— Бундан қўзланган асосий мақсад юридик хизмат ходимлари малакасини оширишда ҳар томонлама енгиллик ва қулайликлар яратиш, энг муҳими, давлат бюджетни маблағларининг мақсадли сарфланишини ҳамда улардан самарали фойдаланиш, қолаверса, юридик хизмат ходимларини ўз вақтида малакасини оширишни таъминлашдан иборатдир, — дейди вилот адлия бошқармаси бошлиғи Мирҳайт Назаралиев биз билан суҳбатда. — Айни пайтда вилотимиздаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 133 нафар юридик хизмат ходими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ўқув курсида улардан 40 нафарининг малакаси оширилди.

Дарҳақиқат, агар ҳар бир юридик хизмат ходими пойтахтда, яъни марказнинг ўзида малака оширгудек бўлса, икки ҳафта мобайнида ҳозиргига нисбатан беш-ўн қарра ортиқ маблағ ва вақт сарфлайди. Сайёр ўқув курсида эса ходим оиласидан ажралмаган ҳолда тахсил олади.

Ўқув курсларида Юристар малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчиларидан ташқари Фаргона давлат университетининг малакали ўқитувчилари, амалиётчи-мутахассислар ва вилот ҳўжалик судининг судьялари ҳам жалб этилди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири**

ХАДЕМАЙ, энг улуг ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кутиб оламиз. Ҳур дийримизда бу қутлуг санани нишонлашга қизгин тараддууд кўрилаётган дориламон кунларда орта назар ташлаб ҳар соҳада амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, яратилган имкониятлар сарҳисоб қилинади.

Мустақиллик — улуг неъмат, аввало, ҳуқуқ эканлиги истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ эътироф этилди. Бу ёрқин таъриф мамлакатимиздаги барча ислохотларнинг асосини ташкил этиб келмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий таълим ва тарбияни яхшилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш соҳасида фуқароларни расмий электрон-ҳуқуқий тизими орқали хабардор қилиш, бунда, айниқса, интернет тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни излашнинг қулай тизими — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — “LexUz” аҳолига беқиёс қулайликлар яратди. 2009 йилдан ушбу тизимдан бепул фойдаланиш жорий қилинди.

Давлатимиз томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижасида мамлакатимизнинг нафақат вилот марказлари, балки энг олис туман ва қишлоқлар аҳолиси

✓ Тизимда

LexUZ
on-line

**ҳуқуқий тарғиботнинг
замонавий воситаси**

ҳам ҳуқуқий ислохотлардан ўз вақтида хабардор бўлмоқда.

Қайд этиш лозим, “LexUz”дан фойдаланувчилар Корея, Япония, АҚШ, Канада, Россия, Германия, Франция ва бошқа хорижий давлатлар фуқароларини ҳам ташкил этади. Миллий қонунчилигимиз билан танишайтган чет эллик инвесторлар яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, хорижий инвесторларга берилган кафолат ҳамда имтиёзлар билан танишиш имкониятига эга.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази мутахассислари томонидан “LexUz” ҳуқуқий ахборот излаш тизимининг дастурий таъминоти янада такомиллаштириш, шунингдек, тизим маълумотлари база-

сидаги ҳужжатлар сонини кўпайтириш, берилаётган маълумотлар сифатини янада яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “LexUz” базасига киритилган қонун ҳужжатларига шарҳ ва изоҳлар ёзилмоқда. Адлия вазирлигининг малакали, таҳрибли, айрим ҳолларда эса айнан қонун ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқишида иштирок этган ҳуқуқшунос-мутахассислар томонидан ёзилган шарҳ ва изоҳлар аҳолида қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, Адлия ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида имзоланган битимга асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўлиқ “LexUz” ҳуқуқий ахборот излаш тизимининг маълумотлар базасига киритилди. Ҳозирги

кунга қадар “LexUz”га 1200 га яқин халқаро шартномалар, битимлар, конвенциялар ва бошқа халқаро ҳужжатлар киритилган.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги, Олий суд ҳамда Олий ҳўжалик суди билан тузилган битимларга асосан, пленум қарорлари ҳам жойлаштирилган. Шу билан бирга суд амалиёти ҳужжатлари ҳам киритиб берилмоқда.

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, “LexUz” ҳуқуқий ахборотини аҳоли, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари орасида тарқатилишида самарали механизмга айланган. Агар 2010 йилда ушбу тизимдан фойдаланувчилар сони 300 минггача ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 4 миллионга етди.

Ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида “LexUz”га норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба макомини беришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига қўшимча ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Лойиҳа Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар матнидан фойдаланувчилар тезкор ва сифатли фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

**Муаттар АСКАРОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий ахборот билан
таъминлаш маркази
бош мутахассиси**

ДАВЛАТИМИЗ томонидан мустақилликнинг дастлабки қўллариданоқ ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, жисмонан етук бўлиши ҳамда маънавий ўсишини таъминлаш давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Маълумки, истиқлол йилларида қабул қилинган энг дастлабки қонунлардан бири айнан ёшлар масаласига бағишланган. 1991 йил ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ижтимоий, маънавий соҳадаги кенг қамровли ҳуқуқларини кафолатлаш билан бирга, баркамол авлод тарбияси учун дастлабки ва ҳал қилувчи ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг про-

Талқин

Филатикаси тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ҳам муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтамоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир.

Мазкур Қарорнинг аҳамияти кўйидагиларда ўз ифодасини топади: авваламбор, мустақиллик йилларида эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда демократик ислохот-



ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизда ёшларнинг фаол иштирокини кучайтиришимизга эҳтиёж туғилгани, шунингдек, ёш авлоднинг илм-фан, спорт соҳасида

эришяётган ютуқлари бу соҳадаги ислохотларни янги, янада юқори босқичга кўтариш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётгани, бундан ташқари, жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора

кучайиб бораётган бугунги замонда дунёда юз бераётган тўб ўзгаришларни ҳолисона ва танқидий баҳолаган ҳолда ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олиш зарурияти шулар жумласидандир.

Сурхондарё вилоятида ҳам ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда белгиланган чора-тадбирларга асосан самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Тафаккур синовлари” каби танловлар ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Юртбошимизнинг “Ҳаммамизга чуқур бир ҳа-

қиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўйбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиётини ўз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир”, деган фикрларини ёдга олиш лозим.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан таълим муассасаларида қўлпаб ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, 2015 йилда 224 та, 2016 йилнинг ўтган даврида эса 136 мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбири айнамактаб, коллежлар ва академик лицейлар ўқитувчи ва ўқувчилари билан ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги таҳликали замонда дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган тартибсизликлар замирида давлатнинг ўсиб-униб келаётган ёшларга, улар-

нинг ҳаётидаги қизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, улардаги ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб бера олмаслиги оқибатини кўриш мумкин. Бундай мамлакатларда давлат ва ёшлар ўртасида узилшиб пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу босис, ёшларнинг таълим-тарбиясини самарали ташкил қилиш, уларни тўғрақарларга жалб қилиш орқали бўш вақтларидан унумли фойдаланишга замин яратиш мақсадда мувофиқдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ёшларга оид давлат сиёсати давр талаби ва мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, такомиллаштириб ва тўлдириб бориладиган узлуксиз жараёндир. Эртанги кунимизнинг энг катта кучи ва замини ёшларимизда намоён бўлар экан, уларда замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ижтимоий ҳаётдаги муаммо ва тўқиларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини таъминлаш барчамизнинг пировард мақсадиимиздир.

Суннатилло Абдурашулов,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбасари

Фаолият

Шартнома интизоми

томонлар ўртасидаги ишонч демакдир

СОБИҚ Иттифоқ тузуми даврида тузум таркибига кирган республикалар “тепадан” белгиланган тартиб асосида бошқариладди. Мазкур даврда Ўзбекистонга бутун совет тузумини пахта хомашиси билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, пахта майдонлари қисқартирилиб, бошқа турдаги экинлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари кескин оширилди.

Бунинг натижасида хорижий давлатлар билан мева-сабзавот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилиб, тегишли тартибда ижрога қаратиб келинмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини хориқ қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, Андижон вилоятидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари билан жами 549,8 минг тонна мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка етиштириш бўйича шартномалар тузилди.

Биргина вилоятимизда 2016 йил мева-сабзавот ҳосили учун 549,8 минг тонна, галла ҳосили учун 243,000 тонна ва 260,600 тонна пахта хомашиси етиштириш топширилган бўлиб, мазкур базани яратиш учун вилоятдаги пахта, галла ва богдорчилик ҳамда сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилиб, тегишли тартибда ижрога қаратилган.

Мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун вилоят адлия бошқармаси томонидан тарафлар ўртасида тузилган шартномаларга зарур ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиб, тузилган шартномалар бошқарма ходимлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ўтказилган мониторинг ва ўрганишлар натижасида жами 5519 та шартнома тузилишида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли тартибда бартараф этилди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 77 та тақдирнома, 9 та маъмурий ва жиноий тақлиф ҳамда судларга 217 та 3 миллиард 65 миллион сўмлик ва 90 нафар мансбдор шахсдан етказилган моддий зарарни ундириш мақсадида даъво аризалар киритилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 89 нафар мансбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шундан 9 нафари лавозимидан озод этилди. 14 нафар мансбдор шахс маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган ва ҳужалик судларига киритилган даъво аризаларнинг 3 миллиарддан зиёди ундирилди. Киритилган тақдирномалар асосида 4 мингдан зиёд ҳужалик юритувчи субъектларга 10 миллиарддан ортиқ пул маблағи тўлаб берилишига эришилди.

Жумладан, бошқарманинг 2016 йил 1-ярим йиллик иш-режасига асосан Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 17 апрелда 1794-сон билан рўйхатга олинган “Супер элита”, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошқоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳужаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом ихроси Пахтаобод туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида ўрганилганда фермер хўжаликлари ўртасидаги танлов юқоридаги низоом талаблари асосида ўтказилмаганлиги, яъни ўрганиш жараёнида жами 52 та ҳолатда қонунбузилишига йўл қўйилгани аниқланди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги низоом ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов солибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги низоом талабларига риоя этилиши аҳоли ўрганилганда жами 425 та ер майдонини туман захирасига қайтариш ва ер ихара шартномасини бекор қилиш бўйича ва 551 та фермер хўжалигини юритишда ер участкаларини бериш бўйича қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, адлия органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан, фермер хўжаликларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Энди-ги вазифа Президентимиз Фармони, ҳукумат қарорларининг ихросини таъминлаш ва ё борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашдир.

Лутфулло ТУРДИКУЛОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга
2016 йил — “Соғлом она ва бола”
йили муносабати билан миллий
валютадаги қўйидаги янги
жамғармали омонат турларини
таклиф этади:

“Соғлом авлод учун” — омонатга маблағлар 6-12-24 ойга қабул қилинади;

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади ва ҳисобланган фоиздан 2 фоиз миқдорида омонатчининг розилигига асосан ҳар ойда **“Соғлом авлод учун”** ҳукуматга қарашли бўлмаган халқроқ хайрия жамғармаси ҳисобрақамига ўтказилади.

“Бахтли бола” — омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон
ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун:
(+99871) 150-72-58, 150-39-93,
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар бедарвоза эмас

Болалар ўйинчоқлари

давлат тилида маркалланиши шарт

ЮРТИМИЗДА болалар ўйинчоқлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ўйинчоқлар нафақат ташқи кўриниши билан, балки қимматий таркиби, гигиеник сифати билан ҳам келажакимиз эгаларига зинн етказмаслиги ҳар жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Амалдаги тартибларга кўра, республикамизга олиб кириладиган болалар ўйинчоқлари ва ўйинлар мажбурий тартибда сертификатланадиган товарлар турига кириди. Яъни, бу турдаги товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида гигиеник ва мувофиқлик сертификатлари талаб этилади. Қолаверса, республикамизга олиб кириладиган болалар ўйинчоқлари давлат тилида маркалланиши зарур.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан туриб, сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган болалар ўйинчоқларини олиб киришга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Яқинда пойтахт божхона ходимлари томонидан шу

турдаги бир неча божхона қоидабузарликлари фош қилинди. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Тошкент-товар” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритаётган қороналлардан бирининг номига хориқдан темирйўл контейнерида келтирилган оқлар ўрнатилган тартибда божхона қўриғидан ўтказилганда, мазкур товарларга тегишли божхона юк декларацияси ва йўл-қў кузатув ҳужжатларида қайд қилинмаган, қиймати салкам 4,5 миллион сўмлик 6 турдаги 504 донна болалар ўйинчоғи яширин равишда олиб киришга уринилгани аниқланди.

Мазкур поста аниқланган шунга ўхшаш яна бир ҳолатда эса яқка тартибдаги тадбиркор номига хориқдан келтирилган оқлар божхона қўриғидан ўтказилганда, унда божхона юк декларацияси ва бошқа ҳужжатларда қайд қилинган, қиймати салкам 37,1 миллион сўмлик 3903 донна болалар ўйинчоғи олиб кирилган фош бўлди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнилар давом эттирилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 455 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати салкам 7 миллиард сўмдан ортиқ товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-76 — “Ишонч телефони”га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

Эълонлар

Фаргона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 июлдаги 264-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги “HUSQIY ZAMIN” адвокатлик бюроси раёбдари Ахмедов Шохрўқ Зулҳақовичнинг (Ишхонин 25.01.2012 йил, FE №000215, адвокатлик гувоҳномаси №355, 23.02.2015 й.) адвокатлик маҳони 2016 йил 11 июлдан тикланганлиги маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилоят Чиноз туман судининг 2016 йил 5 майдаги ҳукмига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 22 июлдаги 58-А-ум-сонли буйруғига асосан Паркент туманида жойлашган “QALQON PLYUS XUMOIYUN” адвокатлик фирмасининг адвокати Пайзиева Ҳулбои Нишоновнага 2009 йил 15 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TS №000247 рақамли лицензия ҳамда 2009 йил 22 июлда берилган 0152-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик маҳони тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 27 июлдаги 59-А-ум-сонли буйруғига асосан Ошқўрғон туманидаги “ORIENT LEGAL” адвокатлик бюроси адвокати Тасанов Бақдир Ёлтамбаевга бошқарма томонидан 2014 йил 30 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TS №000436 рақамли лицензия, 2014 йил 30 декабрда берилган 367-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳамда 2015 йил 6 апрелда берилган адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик маҳони тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 7 июлдаги буйруғига асосан Муборак туманидаги “Қонун ҳимоячиси” адвокатлик бюроси адвокати Нийозов Миманкул Қаноатович вафот этганини сабабли унга бошқарма томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000055-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 42-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик маҳони тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 июлдаги 276-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Рауфова Мухай Маруповнага бошқарма томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000221-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик маҳони тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 18-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низоомнинг 27-банди, шунингдек, “Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат рәвстрларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоомнинг 18-банди ҳамда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 июлдаги 114-ум-сонли буйруғига асосан Шўрчи туманидаги “Ҳуқуқ-Фемид” адвокатлик фирмаси адвокати Халилов Эргаш Лиёнисовичнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганини сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2009 йил 22 июлда берилган SU 000024-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик маҳони тугатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “ADOLAT USTI QOLCHI SARI” адвокатлар хайъати адвокати Сиддиқов Каюм Умаровичга бошқарма томонидан 24.06.2013 йилда берилган TN-001680-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 03.07.2013 йилда берилган 2670-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони тугатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “XALQARO-HUQUQIY ISHLAR BO'YICHA” адвокатлар хайъати адвокати Махмудова Наргиза Қиличевнага бошқарма томонидан 11.06.2009 йилда берилган TN-000616-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 18.06.2009 йилда берилган 1238-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони тугатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “ADOLAT-RAMNOM” адвокатлик фирмаси адвокати Суноев Мансур Абдулваҳидовичга бошқарма томонидан 22.02.2012 йилда берилган TN-001515-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 14.03.2012 йилда берилган 2164-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони тугатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “GOLD YUSTINA” адвокатлар хайъати адвокати Юлдашев Дониёр Шавкатовичга бошқарма томонидан 23.10.2012 йилда берилган TN-001599-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.11.2012 йилда берилган 2409-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони 2016 йил 29 июндан 6 ой муддатга тўхтатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “HUQUQIY KEALAJAK” адвокатлик фирмаси адвокати Мамжидов Азми Турмушевичга бошқарма томонидан 25.03.2012 йилда берилган TN-001523-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 19.04.2013 йилда берилган 2597-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони 2016 йил 29 июндан 2 ой муддатга тўхтатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “GELIOS-FEMIDA” адвокатлик фирмаси адвокати Исламов Жалолддин Зайнабидиновичга бошқарма томонидан 10.06.2009 йилда берилган TN-000795-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 06.12.2012 йилда берилган 2439-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони 2016 йил 29 июндан 6 ой муддатга тўхтатилди.

Малакка комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “GELIOS-FEMIDA” адвокатлик фирмаси адвокати Исламов Бонера Турмушевичга бошқарма томонидан 25.03.2012 йилда берилган TN-001523-сонли адвокат маҳони олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 19.04.2013 йилда берилган 2597-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик маҳони 2016 йил 29 июндан 2 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 204-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “LOCHIN NIHOYAS” адвокатлик фирмаси адвокати Yagmatova Dilnoza Orolovnaga бошқарма томонидан 25.09.2015 йилда берилган адвокатлик маҳони адвокат томонидан у ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчи қадар ёқда мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.


Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.07.2016 йилдаги 205-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ADOLAT UNIVERSAL” адвокатлик фирмаси адвокати Эркинов Ромчи Абдуназировичга бошқарма томонидан 29.05.2012 йилда берилган адвокатлик маҳони адвокат томонидан у ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчи қадар ёқда мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.07.2016 йилдаги 206-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “ADOLAT SINMASIN” адвокатлик хайъати адвокати Шайхбаева Татьяна Викторовнага бошқарма томонидан 29.05.2012 йилда

Хикоя

Акам иккимиз бир-биримизга
икки томчи сувдек ўхшардик. Пу-
лини ўмариш учун ҳалиги бечо-
рани ўлдирган кунимнинг эрта-

Турмада ойна йўқ. Лекин ювенишга сув келтиришганда ёки ҳаммомга чикқаннимда сув бетида доим унинг юзи кўринади. Ҳатто



Айнан шу гаройиб ўхшашлик мени қотилликка ундади. Қўнлардан бир қуни мен акамни ўлдиришига аҳд қилдим. Очигини айтсам, акамдан нафратланишга ҳеч қандай асосим йўқ эди. Фақат акам ўлгудек ҳасад қилардим: тўнғич ўғил бўлган акамга ота-

Бир кuni, оддадaгидек, ундaн гaр эшитиб кaйтaёғaнимдa кунгилмдa мудхш бир ният уйғонди. Дaстлaб бaх дaхшaтлий фикрдaн этим жуьукииб, уни дaр-хoл миямдaн чиқариб тaшлaмоқ-чи бўлдим. Лекин вaқт ўтши билaн ушa ният бoрган сaри хaлoвaтaнимни ўғирлaй бошлaди. Aгaр эхтиёткорлик билaн қaт'ий хaрaкaт қилсaм, бойлиқни хaм, сeвгaн қизимни хaм тoртиб олишимчa кўзим eтaди. Мaшвум рeжaм-ни уй-тўрт кун oбдaн миямдa пи-

Хуллас, буталар орасига берки-

Кейин уни кудукка ташлаб устидан тупроқ түкдим. Агар ўша воқеани кимдир кўрганда, акамни ўзининг нухаси бўғиб ўлдирганини ақлига сиғдирилмай эси оғиб қоларди!

(Давоми кейинги сонда)

Хизматлар лицензияланган

Хизматлар лицензияланган.